

Исломофобия шарқий Европада ҳам тарқалмоқда



08:45 / 31.01.2019 3631

Германиянинг Лейпзиг университети тадқиқотчилари томонидан олиб борилган изланишлар натижасида исломофобия мусулмонлар жуда ҳам озчиликни ташкил этадиган шарқий Европада ҳам тарқалганини маълум қилганлар. Бу хусусдаги “Ғарбий Европадаги исломофобияни тушуниш ва тушунтириш” деб номланган махсус тадқиқот натижалари университет расмий сайтида эълон қилинди.

Лейпзиг университети профессори ва Ғарбий Европадаги исломофобия лойиҳаси масъули Александр Линделл бу борада шундай дейди: “Тадқиқотлар исломофобия таъсири Европанинг мусулмонлар жуда ҳам оз бўлган, ҳатто умуман мусулмонлар яшамайдиган ҳудудларида ҳам анча юқорилигини кўрсатмоқда. Бу айниқса ғарбий Европада яққол кўриниб

турибди”.

Диний ақидапарастлик, халқаро терроризм каби иллатларнинг кенгайиши ғарб давлатларида исламофобия жараёнининг кескин тусга кириб, оммавий сиёсий даражада авж олишига олиб келмоқда. Муслмонларнинг муқаддас дини бўлмиш ислом динини халқаро терроризм билан боғлашга уринишлар, Ғарб матбуотида турли ҳажвий расмлар чоп этиш орқали пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаънини таҳқирлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар миллионлаб одамларнинг миллий ғурури ва нафсониятига тегадиган бирёқлама, асоссиз баҳо ва хулосалар калтабинларча баён қилинмоқда. «Исломофобия» – исломдан ва муслмонлардан кўрқув ва уларга нафрат туйғуси билан қараш демакдир. Исламофобия уринишлари муслмон уммати томонидан эътироф этилган дунёдаги барча ислом уламолари, расман тан олинган халқаро исломий ташкилотлар томонидан танқид остига олиб келинмоқда. Зеро, Ислом динини агрессивликда, террорчиликда айблаш жаҳон миқёсида ислом нуфузининг, ислом мавқеининг ошиб боришидан талвасага тушиш, глобал иқтисодий, сиёсий маданий ва демографик жараёнларда гегемонлигини тарихан йўқотаётган постиндустриал жамиятларнинг сиёсий кучлари учун хосдир.

Профессор Линделлнинг фикрига кўра, исломофобиянинг Европада кучайиши хавfli ҳолатдир. Хусусан, европаликларнинг муҳожир муслмонларга нисбатан ишончсиз қарашда бўлишлари исломофобия хавфини янада орттираверади, бу жараённинг тезлашида эса Европадаги ирқчилик кайфиятидаги оқим асосан босим ўтказишга уринмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти